

Фақат Аллоҳга таянинг!!!

14:55 / 28.04.2017 4584

Ривоят қилинишича Юсуф а. с. қамоқдаги дўстларидан нажот топадиганига: «Хўжанг ҳузурида мени эсга ол», деганларида олдиларига Жаброил а.с. келиб, Юсуф а.с.ни итоб қилиб, айблаб: «Эй Юсуф, акаларинг ўлдириб қўйишидан сени ким қутқарган эди?», дейди. Юсуф а.с.: «Аллоҳ таоло», деб жавоб беради. Жаброил а.с.: «Қудуқдан сени ким чиқарган эди?», дейди. Юсуф а.с.: «Аллоҳ таоло», деб жавоб беради. Жаброил а.с.: «Сени фаҳш ишдан ким (иффатингни) сақлаб қолганди», дейди. Юсуф а.с.: «Аллоҳ таоло», деб жавоб беради. Жаброил а.с.: «Аёлларнинг макруҳийлаларини сендан ким қайтарган эди (даф қилганди)», дейди. Юсуф а.с.: «Аллоҳ таоло», деб жавоб беради. Жаброил а.с.: «Унда қандай қилиб Роббингни қўйиб, ундан сўрамасдан, бир махлуққа (яъни, инсонга) ишониб, таяниб қолдинг?», дейди. Юсуф а.с.: «Ё Роббим, мендан хато ўтди, эй Иброҳим ва Яъқуб а.с.ларнинг илоҳи, Сендан мени раҳм қилишингни сўрайман», дейди. Жаброил а.с.: «Сенинг жазойинг қамоқда бир неча йил қолиш бўлади», дейди. (қамоқда етти йил қолади.)

Қиссадан ҳисса: Бирор мушкилимиз бўлса аввал Аллоҳ таолодан сўраб, сўнгра ҳал қилувчи сабабларини ахтариш лозимлиги ва мушкилимиз ҳал бўлса ҳам аввал Аллоҳга ҳамд айтиб, сўнгра сабабчиларига ташаккур билдириш лозимги маълум бўлади.

Қудратуллоҳ Сидиқметов